

“ _____ ” _____ 20____ йилдаги
Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича _____ - сонли Шартномасига
8-илова

Мижозларга QR online хизматидан фойдаланиш бўйича ШАРТЛАР

1. ШАРТЛАРНИНГ МАВЗУСИ (ПРЕДМЕТИ)

Мазкур Мижозларга QR online хизматидан фойдаланиш бўйича ШАРТЛАР (кейинги ўринларда – Шартлар) орқали “Банк” савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи Мижозга QR – код кейинги ўринларда “QR online” хизмати орқали тўловларни қабул қилиш имкониятини яратиб бериш мажбуриятини олади, мижоз эса хизматларни қабул қилади ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш мажбуриятини олади.

Мижоз (мижознинг ваколатли вакили) ушбу Шартларда назарда тутилган банк хизматларини кўрсатиши учун Банкка Ариза билан, мижозга хизмат кўрсатиш, улар билан келишиш ва мазкур Шартларда назарда тутилган хизматларни тақдим этиш шартлари ҳамда бошланиш санаси юзасидан ёзма равишда муурожаат қилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- Мижозга QR online тизими орқали тўловларни қабул қилиш имкониятини яратиб беради ва ушбу тизимда ишлаш учун мижозга яроқли QR-код очиб беради;
- Мижозга тўловларни QR online хизмати орқали қабул қилиш ва фойдаланиш қоидаларини ўргатади;
- тўловларни QR online хизмати орқали қабул қилганда тўловларни бир банк иш кунида ҳисобварақларга ўтказиб беришни таъминлайди;
- тўловларни QR online хизматидан фойдаланиш учун мижоз аризасига кўра 23520 ҳисобварақ очади ҳамда ушбу ҳисобварақни мижознинг асосий ёки иккиламчи ҳисобварақига бириктириб беради;
- Банк QR online хизматидаги тариф ўзгаришлари бўйича маълумотларни мижозга камида 10 кун олдин ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган телефон рақамига СМС жўнатиш орқали хабардор қилади;

2.2. Мижоз қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- QR online хизмати орқали келиб тушган ҳар қандай тўловлар бўйича умумий маблағлар банк тарифига асосан коммиссион тўлов тўлаш амалга оширилади;
- Тўловларни QR online хизмати орқали қабул қилиш жараёнида аниқланган носозликлар тўғрисида банкка бир банк иш кунида хабар беради;
- Банк томонидан берилган QR online белгисини савдо нуқтасига барча фуқароларга кўриниши лозим бўлган жойга жойлаштиради;
- Банкка тақдим этилган маълумотлари (юридик манзиллари, номи, уяли алоқа воситалари рақамлари) ўзгарган тақдирда банкка бир банк иш кунида хабар беради.
- Мазкур шартлар бўйича Мижоз тўловларни узлуксиз қабул қилиш учун яратилган инфратузилмани доимий ишчи ҳолатда бўлишини таъминайди.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Мижоз томонидан QR online орқали тўловларни қабул қилиш қоидаларига риоя қилинишини талаб қилади;

- Тўловларни QR online тизими орқали қабул қилганлиги учун шартларнинг 2.2. бандида кўрсатиб ўтилган автоматик ечиб олинади;

3.2. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- QR online орқали қабул қилинган тўловларни ўз вақтида ҳисобварақларга ўтказиб берилишини талаб қилади;

- Исталган вақтда ёзма равишда Банкни хабардор қилган ҳолда QR online дан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечиш бўйича АЛОҚА ХАТИ тақдим этади;

- Қуйидаги усулларда Банкдан Мазкур шартлар билан боғлиқ бўлган маълумотларни қуйидаги усулларда олиш: (уяли алоқа рақамини киритиш керак)

1. Уяли алоқа рақамига СМС хабарнома орқали (уяли алоқа рақам: 998_____)

_____;

(мижознинг имзоси)

2. Почта хизмати орқали;

_____;

(мижознинг имзоси)

3. Шахсан миџозга алоқа хати орқали;

_____;

(миџознинг имзоси)

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Банк ва Мижоз ушбу Шартлар бўйича ўз маџбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.2. Банк қуйидаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:

а) Форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш;

б) Банк миџози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;

в) Қонунларда белгиланган тартибга банк ёки миџоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда.

г) Бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда.

4.3. Мазкур бўлимда назарда тутилган жарима жазо чораларини қўллаш суд қарорига асосан амалга оширилади.

4.4. “Мижоз” ва Фуқаролар ўртасида муносабатлар Банкнинг иштирокисиз мустақил равишда олиб борилади.